

# “Сув хўжалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

## 4-Мавзу: Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси

### 4.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташкилий тузилмалар ҳақида тушунча ва унинг турлари.</li> <li>2. Корхоналарда ташкилий тузилмаларнинг тутган ўрни.</li> <li>3. Корхонанинг чизиқли, функционал, мунтазам-штабли ташкилий тузилмалари.</li> <li>4. Лойиҳалаш ва матрицали ташкилий тузилмалар.</li> <li>5. Корхоналар тузилмасининг ўзгариши ва такомиллашиши.</li> <li>6. Ташкилий тузилмани белгиловчи омиллар.</li> </ol>
Ўқув машғулотининг мақсади: “Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси” тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ташкилий тузилмалар ва унинг турларини тушунтириш;</li> <li>-корхоналарда ташкилий тузилмаларнинг тутган ўрнини тушунтириш;</li> <li>-корхонанинг чизиқли, функционал, мунтазам-штабли ташкилий тузилмалари ўзига хос хусусиятларини тушунтириш;</li> <li>- лойиҳалаш ва матрицали ташкилий тузилмаларни тушунтириш;</li> <li>-корхоналар тузилмасини ўзгариши ва такомиллашишини тушунтириш;</li> <li>-ташкилий тузилмани белгиловчи омиллар бўйича тасаввур ҳосил қилиш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ташкилий тузилмалар ва унинг турларини изоҳлайди;</li> <li>- корхоналарда ташкилий тузилмаларнинг тутган ўрнини айтиб бера олади;</li> <li>- корхонанинг чизиқли, функционал, мунтазам-штабли ташкилий тузилмалари ўзига хос хусусиятларини тушунтиради;</li> <li>- лойиҳалаш ва матрицали ташкилий тузилмаларни айтиб бера олади;</li> <li>-корхоналар тузилмасини ўзгариши ва такомиллашишини айтиб бера олади;</li> <li>- ташкилий тузилмани белгиловчи омиллар бўйича тасаввурга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Таянч матн, ўқув қўлланмалар, проектор, тарқатма материаллар, слайдлар, флипчарт, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гуруҳ билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

## Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, Вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (20- мин.)	<p>1.1. Ўтган маърузада “Менежмент жараёни, мақсади ва функциялари” уйга вазифа қилиб берилганлигини эълон қилади.</p> <p>1.2. Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни қуйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади:</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</p> <p>(+) – янги маълумот.</p> <p>(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур. (1-илова).</p> <p>Талабаларда қандай саволлар пайдо бўлгани сўрайди. Берилган саволларга алоҳида эътибор бериб, ишлаб чиқаришни бошқариш функциялари бўйича материалларини ёритади (2-илова).</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (50 мин.)	<p>3.1. 4-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Маъруза режаси слайдлар ёрдамида мавзуни ёритади (3-4 илова).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
3-босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>4.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (5-6 илова).</p> <p>4.3. Уйга вазифа қилиб Венна диаграммаси, Т-жадвалидан фойдаланиб, ташкилий тузилмаларнинг ўхшаш томонлари, афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беришни эълон қилади. Қоидаларини эслатади.</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

**“Менежмент жараёни, мақсади ва функциялари” мавзусини  
ўрганишда**

**“Инсерт усули” дан фойдаланиш**

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Ташкил этиш				
Нормаллаштириш				
Режалаштириш				
Мувофиқлаштириш				
Фаоллик				
Назорат				
Тартибга солиш				
Оптималь қарор қабул қилиш				

## Ишлаб чиқаришни бошқариш функциялари

1

- **Режалаштириш функцияси**- келажакни белгилаш уни самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини танлайди.

2

- **Ташкил этиш функцияси** - қўйилган мақсадларга мувофиқ ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техника базасини яратади.

3

- **Мувофиқлаштириш функцияси** - белгиланган дастурни ёки мақсадга мувофиқ режани амалга ошишини, ишлаб чиқариш жараёнларининг бир меъёрда боришини таъминлайди.

4

- **Фаоллик функцияси** - корхона жамоаси меҳнатини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат килади.

5

- **Назорат функцияси** - амалда белгиланган топшириқларнинг бажарилишини, ишлаб чиқариш жараёнларининг бир меъёрда давом этишини кузатади.


**Ташкилий тузилма** - деганда корхона мақсадларини амалга оширувчи ва функцияларини бажарувчи бири-бири билан боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларининг мажмуи тушунилади




**Раҳбарлар** - бу бошқарувнинг айрим ёки қатор функцияларини бажарувчи мустақил структурали бўлимлардир. Бу бўлимлар ўртасида боғланиш ва алоқалар горизантал характерга эга.

**Бошқарув босқичи** - бу иерархиянинг муайян даражасида амал қиладиган бўғиндир.


Чизиқли ташкилий тузилма




Функционал ташкилий тузилма



Чизиқли штабли ташкилий тузилма



Чизиқли функционал ташкилий тузилма



Шартли белгилар: P - раҳбар, Б - бошлик, У - уста, Ф - функционал раҳбар, Ш - штаб, 1,1; 1,2;1,3 - функционал бўлимлар.

## Ташкилий тузилмани белгиловчи омиллар

Белги гуруҳлари	Белгилар ва омиллар
Тузилмани аниқловчи белгилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>-ишлаб чиқариш корхонаси мақсади;</li> <li>-ишлаб чиқариш корхонаси функциялари ва вазифалари;</li> <li>-хизмат қилинадиган минтақалар ва истеъмолчилар гуруҳи;</li> <li>-иш вақтининг тартиби, оралиғи ва бошқалар.</li> </ul>
Тузилмага таъсир этувчи белгилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ташқи муҳит;</li> <li>-технология;</li> <li>-корxonанинг катта-кичиклиги;</li> <li>-бизнес стратегияси;</li> <li>-ходимлар сони;</li> <li>-қабул қилинадиган қарорлар тизими;</li> <li>-шаклланган тузилма ва бошқалар.</li> </ul>
Тузилмани мақбуллаштирувчи белгилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- юқори малакали ходимларга эга бўлган, унча катта бўлмаган бўлимлар ва бўғинлар;</li> <li>-қўп бўлмаган бошқарув-бўғинлари;</li> <li>-ўзгаришларга нисбатан сезгирлик ва ҳозиржавоблик;</li> <li>-юқори даражадаги унумдорлик;</li> <li>-паст даражаги ҳаражатлар;</li> <li>-иш графигининг бевосита истеъмолчиларларга мослашганлиги ва бошқалар.</li> </ul>

## Хулоса

Тузилма муайян тизимнинг ташкил топган шакли, тизим элементларининг муҳим ўзаро алоқаларининг яхлитлигидир. Ҳар бир мураккаб тизим бир-бирига бўйсунити, кўп поғонали тарзда шаклланади. Корхона бошқарувининг сифати кўп жиҳатдан тузилманинг қай даражада ташкил топганлигига, унинг ихчам, мақбул тузилганлигига боғлиқдир. Корхона бошқаруви тузилмасини шакллантирувчи элементлар бир-бири билан узвий алоқада бўлади. Корхона бошқаруви тизимининг оқилона ташкил этилган тузилмаси унинг самарадорлигини белгилаб беради, яъни Корхона бошқаруви объектининг кўп сонли элементлар алоқалари мустақамлигини ва тизим яхлитлигини таъминлайди. У тизим элементларини бир бутун ҳолга келтиради. Корхона бошқаруви тизими шакли ва ташкилий томонларига, ишни ташкил қилиш усулларига, мувофиқлаштиришга таъсир қилади, тизим фаолияти натижасини баҳолашга ва қийслашга имкон беради.

Ташкилий тузилма корхона бошқаруви технологиясига таъсир кўрсатади, ахборотни оқилона тарқатиш, ходимларни танлаш ва лавозимига қўйишдаги корхона бошқаруви техникаларини ишлатиш билан боғлиқ вазифалар қўяди.


## Назорат саволлари.

1. Ташкилий тузилма деганда нимани тушунаси?
2. Корхона бошқарувида ташкилий тузилмаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?
3. Корхона бошқарувининг тузилмаси унинг самарадорлигини белгилаб бера оладими?
4. Корхона бошқарувининг ташкилий таркибининг қандай турлари мавжуд?
5. Вазифавий ташкилий таркиб деганда нимани тушунаси?
6. Вазифавий таркиб бошқарувининг устуворлиги нимада?
7. Дивизионли ташкилий таркиб қандай таркиб?
8. Дивизионли ташкилий таркиб бошқарувининг устуворлиги нимада?
9. Мунтазам ва мунтазам-штабли ташкилий таркиблар деганда нимани тушунаси?
10. Лойиҳали ва матрицали ташкилий таркиблар деганда нимани тушунаси?

**1-Топширик:**

**ЧИЗИКЛИ СТРУКТУРА ВА ФУНКЦИОНАЛ СТРУКТУРАЛАРНИНГ  
БИР-БИРИГА БОҒЛИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАНГ?**

**ВЕННА ДИАГРАММАСИ**



**2-Топширик:**

**Т-жадвал**

**ЧИЗИКЛИ СТРУКТУРАНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИНИ  
ЎЗИБ ЧИҚИНГ?**

<b>АФЗАЛЛИКЛАРИ</b>	<b>КАМЧИЛИКЛАРИ</b>
?	?



**ФУНКЦИОНАЛ СТРУКТУРАНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ  
НИМАДАН ИБОРАТ?**

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
?	?

**3-Топширик:**

**«Сув хўжалиги менежменти» фани “Ташкилий тузилма” мавзусидан  
тест саволлари тузинг.**

- 1. 1-даражали тест саволлар**
- 2. 2-даражали тест саволлар**
- 3. 3-даражали тест саволлар**

**4-Топширик:**

**“Нилуфар гули” чизмаси ёрдамида корхонада махсулот таннархини камайтириш омилларини аниқланг.**

		<b>Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш</b>
	<b>Корхонада махсулот таннархини камайтириш</b>	

		<b>Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш</b>
		<b>Янги техника ва технологиялар билан жихозлаш</b>

	<b>Янги техника ва технологиялар билан жихозлаш</b>	
	Хорижий инвестицияларни жалб этиш	